

# SAIGA NEWS

Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс бюллетени



Экология ва сайғоқ муҳофазаси масалалари бўйича ахборот алмашиш учун 6 та тилда нашр қилинади



Сайғоқнинг парвози. Астрахан вилояти «Степной» қўриқхонаси. Валерий Малеев сурати.

Дополнительная поддержка:



## Мундарижа

### Махсус мавзу

**Антон Межнев ва Энхтувшин Шилегдамба.** СИТЕС қоидалари буйича сайғоқнинг халқаро савдоси тўғрисида фикрлар. Позитив силжишми?

### Янгиликлар

**Буяна Чимеддорж.** Мўғул сайғоғини сақлаш буйича бошқарув кенгаши Мўғулистонда тузиш лозим **Александра Букварева ва бошқалар.** Сайғоқ куни, 2019

**Буяна Чимеддорж.** 3 800 бош мўғул сайғоғини қўллаб-қувватлаш марафони

**Бабетт Фурье.** «Степной» қўриқхонасида мониторинг буйича кичик грантлар дастури лойиҳаси бошланди

### Матбуотдан

Қозоғистонда сайғоқ шохларини Хитойга ноқонуний олиб кетиш канали ёпиб қўйилди  
Украина сайғоқларини Хитойга экспорт қилади

### Мақолалар

**Штеффен Цутер.** 2019 йилдаги авиаҳисоб Қозоғистонда сайғоқ популяциясининг кўпайганлигини кўрсатди

**Буяна Чимеддорж ва бошқалар.** Мўғул сайғоғи популяциясини баҳолаш буйича янгиланган маълумотлар

**Хантер Даути ва бошқалар.** Сингапурда сайғоқ шохлари истеъмолчиларининг тавсифлари, мотивацияси ва харид қилиш услублари

**Дмитрий Добрынин ва Оксана Сухова.** Шимолий-Ғарбий Каспийбўйи ҳудудида сайғоқ сонини аниқлаш учун учувчисиз учиш аппаратидан фойдаланиш

**Ирина Калюжная ва бошқалар.** «Элтон кўли» – Россияда янги биосфера резервати ва унинг сайғоқни сақлашдаги ўрни

### Янги нашрлар

#### Эълонлар

Кичик грантлар дастури ва Сайғоқни сақлаш буйича Альянснинг ёш лидерлари дастурининг 2019 йилдаги ғолиблари

Юрий Грачев – 80 ёшингиз билан табриклаймиз!

**Сайғоқни сақлаш – уларнинг ҳаёти мазмуни:** Д-р Дэвид Мэллон, Буюк Британия

**Бизнинг йўқотишларимиз:** Д-р Бадамжавин Лхагвасурен, Мўғулистон

**Таҳририят ҳайъати:** Буюк Британия: проф. Э. Дж. Милнер-Гулланд [муҳаррир-маслаҳатчи], Оксфорд университети ([ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk](mailto:ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk)) ва бошқалар. Дэвид Мэллон [Тақризчи], МСОП Антилопалар буйича мутахассислар гуруҳи, [d.mallon@zoo.co.uk](mailto:d.mallon@zoo.co.uk); Қозоғистон: Ю. Грачев ва проф. А. Бекенов, Зоология институти ([teriology@mail.ru](mailto:teriology@mail.ru)); Хитой: Гуйхон Джан Куйлонгский Ўқув тренинг-маркази ([guihongzhang@foxmail.com](mailto:guihongzhang@foxmail.com)) ва проф. Чжиган Цзян, ХХР ФА Зоология институти ([zhigangjiang@vip.sina.com](mailto:zhigangjiang@vip.sina.com)); Мўғулистон: Б. Бувейбатар, ([buuveibaatar@wcs.org](mailto:buuveibaatar@wcs.org)), WCS-Мўғулистон ва Б. Чимеддорж, WWF-Мўғулистон ([chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)); Россия: А. Луцкеина, Россия ФА Экология ва эволюция институти ([saigak@hotmail.com](mailto:saigak@hotmail.com)) ва проф. Ю. Арылов, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази ([saiga-center@mail.ru](mailto:saiga-center@mail.ru)); Ўзбекистон: Е. Быкова [масъул муҳаррир] ([ebykova67@mail.ru](mailto:ebykova67@mail.ru)) ва А. Есипов, ЎзР ФА Зоология институти ([esipov411@gmail.com](mailto:esipov411@gmail.com)); Д.Адылова дизайни ([4dinaa@gmail.com](mailto:4dinaa@gmail.com)).

Ушбу нашрни онлайн тарзда [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com), <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> ёки сўроқ буйича инглиз, қозоқ, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида муҳаррирлардан босма нусхасини олиш мумкин.

Сизни материалларни олтита тилнинг исталган бирида юборишга таклиф қиламиз. Илтимос, уларни [ebykova67@mail.ru](mailto:ebykova67@mail.ru) ёки муҳаррирлардан бирига юборинг. Бюллетень йилига икки марта чиқарилади. Инглиз ва рус тилларидаги муаллифлар учун қоидаларни [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) да топиш ёки сўроқ буйича муҳаррирлардан олиш мумкин.

Агар Сизда бирон бир савол туғилса, илтимос, мамлакатингиздаги Saiga News муҳаррири ёки масъул муҳаррир Еленой Быкова ([ebykova67@mail.ru](mailto:ebykova67@mail.ru)) билан боғлангиз.

## Махсус мавзу

### СИТЕС қоидалари буйича сайғоқнинг халқаро савдоси тўғрисида фикрлар. Позитив силжишми?

Таҳририятдан: 2019 йил августда сайғоқ масаласи йўқолиб бораётган ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги Конвенция томонларининг 18-чи Конференциясида (СИТЕС) муҳокама қилинди. Ареал мамлакатларининг кўмаги билан СИТЕС томонлари сайғоқни 2-иловада қолдиришга қарор қилдилар (тартибга солинадиган савдо), аммо ноль квотанинг киритилиши, бу ёввойи сайғоқлар ва улар дериватларининг халқаро тижорат савдосига тўлиқ тақиқини англатади. Қуйида ушбу қарорни қабул қилишда бевосита иштирок этган ҳамкасбларнинг иккита нуқтаи назари келтирилган. Гарчи СИТЕС сайғоқнинг икки тури мавжудлигини (*Saiga tatarica* ва *Saiga mongolica*) тан олишига қарамай, МСОП ва SCA Saiga tatarica нинг бир тури, иккита tatarica ва mongolica кичик турларининг мавжудлиги ҳақидаги нуқтаи назарни ишончли генетик таҳлилга асосланган ҳолда билдиради.

**Энхтувшин Шилегдамба WCS-Мўғулистон** [eshiilegdamba@wcs.org](mailto:eshiilegdamba@wcs.org)

Сайғоқ Мўғулистон учун катта маданий, тарихий ва экологик аҳамиятга эга. Сайғоқ МСОП Қизил Рўйхатига йўқолиб кетиш хавфи остидаги тур сифатида киритилишидан олдин, у Евросиёнинг кенг ҳудудларида, шу жумладан Мўғул чўлларида яшаган. Аммо касалликлар ва браконерлик ушбу қадимий турга таъсир кўрсатди. Унинг тарихий ареали Юкон ва Аляскага чўзилган бўлиб, музлик даврида ҳам у жунли носороғлар ва мамонтлар билан бирга яшаган.

2019 йил 17-28 август кунлари Женевада бўлиб ўтган 18-СИТЕС томонларининг Конференциясида дунёнинг 128 та СИТЕС томонларининг вакиллари йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган турларни сотиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун учрашдилар. Ушбу учрашувда Мўғулистон ҳукумати бу турни ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида сайғоқни II-иловадан I-иловага ўтказишни таклиф қилди. АҚШ ҳукумати ушбу таклифни қўллаб-қувватлади ва Мўғулистонга уни Конференцияда тақдим этишга ёрдам берди. Барча ареал мамлакатлари Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон ва Мўғулистонда сайғоқ популяциясининг ҳозирги ҳолатини муҳокама қилишда иштирок этдилар. Шунингдек, учрашув давомида ушбу турнинг савдо масаласи ҳам кўтарилди. Айрим ареал мамлакатларида, хусусан Қозоғистонда сайғоқларнинг сони кўпайиб бораётганлиги сабабли кўпчилик иштирокчилар сайғоқни II-иловадан I-иловага ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватламади, бироқ барча ареал мамлакатлари сайғоқни 1994 йилдан буён турган жойида, II-иловада қолдирилиши ҳақидаги

таклифга рози бўлдилар. Лекин уни экспорт қилиш учун «нолинчи квота» жорий этилади.

II-илова қоидага кўра савдоси чекланиши керак бўлган турларни ўз ичига олади. Эндиликда ёввойи табиатдан олинган бир бош сайғоқ ҳам бошқа мамлакатга сотиш имкони йўқ бўлган бир пайтда, бу ҳайвон, уни қирилиб кетишидан сақлаши керак бўлган қўшимча ҳимояга эга бўлди.

Бу Мўғулистон ҳукумати ва халқи учун жуда муҳим масала ва биз барча ареал мамлакатлари ва кўпчилик СИТЕСга аъзо бўлган мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланаётганлигимизни қадрлаймиз. Мен АҚШ ҳукуматининг қўллаб-қувватлашини ва уларнинг ушбу тур популяциясини сақлашни таъминлашда кўрсатган ёрдамини алоҳида таъкидлашни истардим. Мўғулистон 1996 йилдан бери СИТЕС томони ҳисобланади ва илгари сурилган таклиф ҳам мамлакат учун биринчи ҳисобланади. Мўғулистон ҳудуди жиҳатдан кичкина ва ҳали ҳам ривожланаётган мамлакат бўлса ҳам Марказий Осиёга хос бўлган биологик хилма-хилликнинг юқори даражасига эга. Илгари сайғоқ кенг тарқалган эди ва 1970 йилларда унинг дунё буйича сони 1 миллиондан ортиқ бошни ташкил этар эди. Улар бир неча бор кескин камайиб, 2000 йилларнинг бошларида рекорд даражадаги 50 минг бошга эга минимум ташкил этди.

Чорак аср олдин сайғоқни СИТЕСнинг II-иловасига киритилганидан бери кўп нарса ўзгарди. Яқин вақтларда ушбу антилопалар оммавий қирғиннинг бир неча ҳолатларини бошдан кечирди. Ушбу ҳо-



## Махсус мавзу (давоми)

лат бутун ҳудудда кузатилди. Марказий Қозоғистонда 2015 йилда *Pasteurella multocida* туфайли пастереллезнинг тарқалиши оқибатида 200 000 сайғоқнинг ўлимига сабаб бўлганлигини эслатиб ўтамиз. Шунингдек, 2016 йилда майда кавш қайтарувчи ҳайвонлар (Peste des Petits Ruminants – PPR) вабо тарқалиши натижасида, мўғул сайғоғининг популяцияси жуда қисқа вақт ичида 7000 дан ортиқ бошга (60% дан кўпроқ) қисқарган ва ҳозирги вақтда улар 3000 га яқин бошни ташкил этади

PPR вируси бутун мамлакат бўйлаб тарқалишда давом этмоқда ва сайғоқларнинг умумий ўлими 80-90% ни ташкил қилмоқда. Ушбу муаммо фаол ўрганилишига қарамай, вақт ўтиши билан PPR сайғоқнинг бошқа популяциясига ҳам тарқалиши мумкин.

Биз сўнгги 4 йил ичида Қозоғистонда популяциянинг кўпайганидан жуда мамнунмиз, аммо такрорий эпидемиялар яна барча популяцияларда оммавий ўлимга олиб келиши мумкин деган хавотир мавжуд. Бундан ташқари, сайғоқлар браконерлик, шохларнинг ноқонуний савдоси ва инфратузилманинг ривожланиши каби аввалдан бутун ареалида бор бўлган кўплаб таҳдидлар таъсирида ҳамдир.

Эркак сайғоқлар Осиёнинг баъзи ҳудудларида анъанавий тиббиётда ишлатиладиган шохлар учун йўқ қилинади. Мўғулистонда сайғоқ популяцияси 3000 бошдан ошмайди, шунинг учун биз ушбу ҳайвоннинг ноқонуний савдоси ва тижоратнинг барча турлари ривожланишидан жиддий ташвишдамиз.

Ареалнинг бошқа давлатларидаги савдонинг ҳар



Сайғоқ, жирафа ва филлар билан боғлиқ масалаларнинг муҳокамаси пленар йиғилиш иштирокчиларида катта қизиқиш уйғатди. IISD сурати

қандай тури сайғоқ шохларига талабни ошириши ва бу ҳайвоннинг назоратсиз отиб ташланишига ва унинг қисмларининг контрабандасига олиб келиши мумкин, бунинг натижасида Мўғулистонда тирик қолиш учун курашаётган кичик популяция ер юзидан йўқолиб кетади. Яқинда Қозоғистонда браконерлар уч нафар инспекторни ўлдирди. Бу ҳақиқий фожиа бўлди ва биз бу азиз инсонлар учун чуқур қайғудамиз.

Мўғулистон аҳолиси жуда кам сонли бўлиб, жуда катта майдонларда яшайди, бу эса ўз ҳудудини патрул қилишни қийинлаштиради. Сайғоқ шохларига бўлган юқори талаб ва бу ҳайвоннинг турли касалликларга мойиллиги популяцияда ўлим даражасининг юқори бўлишига олиб келашини ҳисобга олганда жорий ҳафтада Женевада сайғоқни ҳимоя қилишга қўйилган қадам ниҳоятда аҳамиятлидир.

Мўғулистон ёввойи табиатдан олинган ҳайвонларни экспорт қилиш учун «ноль квотасини» қабул қилишга рози бўлган сайғоқ яшайдиган барча мамлакатларга ўз миннатдорчилигини билдиради. Мўғулистон флора ва фаунанинг турлари ва улардан тайёрланган маҳсулотлардан экологик жиҳатдан барқарор фойдаланилишига қарши эмас. Бироқ, ҳозирги вақтда сайғоқ шохлари савдоси, айниқса мўғул популяцияси жуда кам ва оғир аҳволда эканлиги ҳисобга олинса, ўринли эмас.

СИТЕС Бош котиби ўз нутқида таъкидлаганидек, Конвенция томонидан қабул қилинган қарорлар ишончли илмий маълумотларга асосланади ва кўпинча кам танилган биологик турларга, шу қаторда сайғоққа ҳам тегишлидир. Сайғоққа ёрдам бериш тўғрисидаги илтимос ареалнинг барча мамлакатлари томонидан эшитилганлиги ва улардан кўплари буни қўллаб-қувватлаганликлари учун жуда мамнунмиз. Биз, авлодимиз бутун Марказий Осиё минтақаси учун улкан тарихий, маданий ва экологик аҳамиятга эга бўлган ушбу турни муҳофаза қилишни ўз зиммасига олганидан ғурурланамиз. Шунингдек, қарорлар далилларга асосланиб эҳтиёткорлик билан қабул қилинганлигидан мамнунмиз ва сайғоқ яшайдиган мамлакатларнинг қўллаб-қувватлаши ва ҳамдардчилигини қадрлаймиз. Бу бизнинг сайёрамизда ўн минглаб йиллар давомида яшаб келаётган ушбу ноодатий тур Марказий Осиёнинг асосий рамзларидан бири бўлиб қолишига имкон беради.

## Махсус мавзу (давоми)

Антон Межнев Россия Табиат вазирлиги [amezhnev@mail.ru](mailto:amezhnev@mail.ru)

Сайғоқ браконерликдан азоб чекаётгани, замонавий ареалдан ташқаридаги истеъмолчи мамлакатларда шохларга ўсиб бораётган тўловга қодир талаб мавжудлиги сабабли, биринчи юзаки қарашда барча муаммоларни битта ечим билан ҳал қилиш фикри туғилади – турни ҳар қандай тижорат мақсадларида фойдаланишни тўлиқ тақиқлашни СИТЕСнинг I-иловасига ўтказиш орқали амалга ошириш мумкин. Аммо, синчиклаб кўриб чиқилганида қарши далиллар аниқланади. Сайғоқни СИТЕСнинг II-иловасидан I-иловага ўтказишнинг барча жиҳатлари ва бунинг натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган натижалар Э. Ж. Милнер-Гулланд томонидан Saiga Newsнинг 24-сонида тўлиқ нашр этилган.

Россия Федерациясида сайғоқни I-иловага ўтказиш буйича таклифни юбориш масаласи 2012 йилда СИТЕС Томонлар Конференциясининг 16-йиғилиши арафасида кўриб чиқилди (Бангкок, 2013). Тегишли ҳужжат лойиҳаси ҳатто тайёрланди ва муҳокама қилинди, аммо қисман бундай қадамнинг мақсадга мувофиқлигига шубҳа ва қисман вақт етишмаслиги сабабли бу жараён мантиқий хулосага келмади. СИТЕС Томонлар Конференциясининг 17-йиғилишида (Йоханнесбург, 2016) 2015 йилда Бетпақдалин популяциясининг фожиали қирилишига қарамай сайғоқ «аплистинг»и кўриб чиқилмади.

Қозоғистон ва Россия Федерациясининг вако-



Россия Федерацияси делегати Антон Межневнинг нутқи. IISD сурати

латли давлат органлари, айниқса Украинанинг Херсон вилоятида хитойлик сармоядорлар томонидан сайғоқнинг тижорат парваришхонаси ташкил этилганидан сўнг (Saiga News 24-сонига қаранг) СИТЕС механизмларидан фойдаланган ҳолда халқаро савдони тақиқлаш керакли натижа бермаслиги ҳақида тушунча шаклланди, чунки бу ареал мамлакатларида усиз ҳам мавжуд бўлган тақиқларга деярли ҳеч қандай қўшимча қилмайди.

Шу билан бирга, Қозоғистонда сайғоқни самарали ҳимоя қилиш Россия билан чегарадош бўлган иккита популяциянинг (Волга-Урал ва Бетпақдалин) жадал ўсишига олиб келди, уларнинг умумий сони 300 минг бошдан ортти ва икки йил ичида ярим миллиондан ошиши мумкин – бу энг юқори чегара бўлиб, ресурслардан барқарор фойдаланиш масаласини кўтаради. Популяциянинг ўсиши уларни сақлаш учун қўшимча хавф ва муаммоларни келтириб чиқаради, бу уларни ҳал қилиш учун қўшимча харажатларни талаб қилади. Қонуний экспортнинг йўқлиги ареал мамлакатларига популяцияни кераклича бошқариш ҳамда турни ва унинг яшаш жойини сақлаб қолиш учун маблағ олишни бирлаштириш имкониятидан маҳрум қилади. Бошқача қилиб айтганда, «аплистинг» ўрта ва ундан ҳам узоқ муддатли истиқболда турнинг дунё бўйича сонининг 95% кўпроғини бирлаштирган сайғоқнинг иккита энг йирик популяциясининг барқарор ҳаёти учун ҳалокатли ҳисобланади.

Шу сабабли, Қозоғистон ва Россия Федерацияси нафақат сайғоқни I-иловага ўтказишни таклиф қилмай келмоқда, балки бошқа давлатларнинг бундай уринишларига доимий равишда қарши чиқмоқда. Мўғулистондан 2018 йил охирида расмий сўровлар қабул қилинганда (қийин қишлаш шароити ва майда кавш қайтарувчи ҳайвонлар вабо эпизоотияси туфайли сони камайиб хавфли даражага тушган ва браконерлик қолган популяцияни йўқ қилиш билан таҳдид солган шароитда) Қозоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон ва ёввойи табиат кўмитаси ва Россия Федерациясининг Табиий бойликлар ва экология вазирлиги «аплистинг»ни қўллаб-қувватлашга асосли равишда рад жавобини бердилар, айниқса, саводсиз ифодаланганлиги туфайли (*Saiga tatarica*



## Махсус мавзу (давоми)

тури мақомини ошириш таклиф қилинди), у мўғул сайғоғига қаратилмаслиги мумкин эди (СИТЕС тушунчасида *Saiga borealis* = *Saiga mongolica*).

Шу билан бир вақтда, ушбу таклиф АҚШ томонидан, Wildlife Conservation Society (WCS) ва U.S. Fish & Wildlife Service (USFWS) ва U. S. Fish & Wildlife Service (USFWS) орқали қўллаб-қувватландики, эҳтимол улар бу таклифнинг муаллифи ва ҳақиқий пропонентидир.

Қозоғистон ва Россия Федерацияси икки маротаба: СИТЕС Котибиятлари ва СИТЕС Томонларининг 18-чи Конференциясига тайёргарлик кўриш бўйича Бонн конвенцияси томонидан ташкил қилинган сайғоқларни сақлаш бўйича семинарда (КС18, Германия, Вильм кўли, 2019 йил 1-4 апрель) КС18 га тайёргарлик кўриш бўйича МДХ мамлакатлари учун ишчи учрашувда (Белоруссия, Минск, 2019 йил 23-25 апрель), ўзларининг принципаал позицияларини билдирдилар ва ҳар икки ҳолатда ҳам уларни яна бир ареал мамлакатлари – Ўзбекистон қўллаб-қувватлади.

Вильм кўлидаги семинар давомида Хитой (асосий истеъмолчи мамлакат) нинг вакиллари ушбу таклифга қарши чиқиб, ноқонуний савдога қарши жиддий чоралар тўғрисида гапирдилар: захираларнинг қонуний эгаларини рўйхатга олиш ва ушбу захиралардаги шохларни чиплаш. СИТЕС Котибияти вакили таклифни I-илованинг мезонлари ва Конвенция низомига, шунингдек унинг тадбирлари процедураси қоидаларига зидлигини таъкидлади. Қўллаб-қувватлаш йўқлигига қарамай, Мўғу-



Мўғулистон делегациясининг вакили Цогцайхан Пурев СИТЕСда сайғоқ мақомини ошириш бўйича таклиф билан чиқди. IISD сурати

листон ва АҚШ Saiga наслининг ҳар иккала турига ҳам тегишли эканлигини таъкидлаб, ўз таклифларига содиқ қолдилар.

Ушбу таклиф шунингдек, Россиянинг Табиат ва зирлиги ва USFWSнинг икки видеоконференциясида ҳамда ЕС мамлакатлари элчихоналари вакиллари билан учрашувда ҳам муҳокама қилинди, (иккинчисида ноль экспорт квотасини киритиш билан «аплистинг»ни алмаштириш ғояси илгари сурилди) унда улар қарор қабул қилинаётганда эҳтиёткорлик ва ҳар томонлама ёндашув кераклиги ҳақида гапиришди.

Шундай қилиб, КС18 очилаётган вақтда сайғоқларни I-иловага ўтказиш тўғрисида консенсус йўқ эди.

КС18 даги таклиф муҳокама қилинишидан олдин, 18 август куни кечқурун бўлиб ўтган иккита тадбир (side events) да манфаатдор томонлар яна бир бор вазият тўғрисида фикр алмашиш имкониятига эга бўлишди. Дастлаб, Мўғулистон ва АҚШ ўз таклифларини илгари суриш учун учрашув ташкил этдилар. Кириш сўзи Розмари Гнэм (USFWS, АҚШнинг СИТЕС илмий органи) чиқиш қилди, кейин WCS вакили, таклифнинг ҳақиқий муаллифи Сьюзан Либерман, Мўғулистондан Цогцайхан Пурев ва Энхтувшин Шилегдамба таклиф тўғрисида тасаввур берадиган Мўғулистондаги сайғоқ ҳолати ва майда кавшқайтарувчилар вабо эпизоотияси тўғрисида тақдимот қилдилар. Таклиф IFAW вакили М. Н. Воронцова ва икки хорижий жамоат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланди. Россия Федерациясининг баён этилган позицияси Р. Гнэмнинг кескин реакциясини кўзғатди ва у бу таклифнинг асосий далилларини яна такрорлади.

Шундан сўнг дарҳол Бонн конвенциясининг Котибияти томонидан «Сайғоқ бўйича ўзаро англашнунув меморандумини (MoB) амалга оширишдаги ютуқлар ва муаммолар» мавзусидаги тадбир ўтказилди. Ушбу тадбир сайғоқни сақлаш, тиклаш ва ундан барқарор фойдаланиш борасида MoBнинг муҳимлигини таъкидлаш учун мўлжалланган эди. Тадбир SMSнинг ижрочи директори в.в.б. Эми Френкель томонидан очилди, Меморандум тўғрисидаги маъруза билан SMS ижрочи котиби Эми Френкел, SMS Котибияти ходими Мелани Виртью маъруза қилди, шундан кейин Э. Ж. Милнер-Гулланд ареалнинг барча мамлакатларида сайғоқнинг аҳволини шарҳлади, Антон Межнев эса Россия

## Махсус мавзу (давоми)

Федерациясида Меморандумнинг бажарилиши тўғрисида хабар берди. Гарчи тадбирнинг мавзуси «аплистинг»ни кўриб чиқиш билан бевосита боғлиқ бўлмаса-да, ушбу масала мунозарада бир неча бор «юзага чиқди». Хусусан, ЕС вакили осойишта ва тўлиқ шаклланмаган позиция мавжудлигини тасдиқлади.

КС18 майдонларида ишчи тартибда асосий манфаатдор томонлар билан олдиндан ноль экспорт квотасини аплистингнинг альтернативаси сифатида киритиш бўйича фикрлар алмашуви ўтказилди (ареал давлатлари ва истеъмолчи давлатлар ўртасида) ва бу вариант алтернатива сифатида киритиш тўғрисида асосий манфаатдор томонлар билан олдиндан фикр алмашилди ва бу вариант барчани «деярли қониқтирди». Шунинг учун, мунозара арафасида АҚШ вакиллари бундай алмаштириш истиқболлари ҳақида яна бир бор қизиқишганида ижобий жавоб олдилар ва агар таклиф етарлича қўллаб-қувватланмаса, ушбу вариантни

ёқлаб қолишга ишонтирдилар. Бу ҳақда ишчи тартибда ЕС вакиллари хабардор қилинди.

Баҳснинг ўзи 22 август куни эрталаб бўлиб ўтди. Мўғулистон вакили таклифни тақдим этди, шундан сўнг АҚШ сайғоқнинг ҳар иккала турига «аплистинг» тарқатиш ечим эмас, балки тушунтириш эканлиги тўғрисида ўз қарашларини маълум қилди. Қисқа, аммо қизгин мунозаралар бўлиб ўтди, унда СИТЕС Котибияти бундай талқинга эътироз билдирди, СИТЕС ҳайвонлар қўмитасининг номенклатура бўйича мутахассиси тингланди (сайғоқ таксономияси бўйича мавжуд нуқтаи назарларни баён қилди) ва раис (Янги Зеландиядан Rod Hay) ушбу масалада АҚШни қўллашга қарор қилди. Россия Федерацияси ушбу ёндашувга қарши норозилик билдирди, аммо янги шартлар бўйича муҳокамани давом эттириш мумкин деб ҳисоблади.

Сўнгра СИТЕС Томонларининг чиқишлари бўлиб



Сайғоқ эркаги. Растислав Машин сурати

## Махсус мавзу (давоми)

Ўтди. Таклифни қўллаб-қувватлаш учун на сайғоқ ареалига, на савдо-сотиққа, на унинг дериватлари ва қисмларини истеъмол қилишга боғлиқ бўлмаган бир қатор давлатлар сўзга чиқдилар (Афғонистон, Баҳрайн, Фил Суяги соҳили, Гватемала, Исроил, Қатар, Сенегал). Қозоғистон ушбу таклифга қаттиқ норозилик билдирди. Россия Федерацияси ушбу таклифга қарши бўлиб, бир вақтнинг ўзида Saiga borealisни сақлаб қолиш манфаатларини ҳисобга олишга ҳаракат қилди ва иккала тур учун қатъий экспорт квотасини белгилаб, уни I-иловага ўтказишни таклиф қилди. Хитой ва ЕС Россиянинг ёндашувида қўшилди.

Ўша вақтда, ушбу таклифга жиддий қаршилиқ борлиги аниқ бўлганида, АҚШ «Мўғулистон билан келишган ҳолда» захира сценарийга ўтди «Сайғоқларни II-иловада қуйидаги изоҳ билан сақлаб: «Тижорат мақсадларида табиат намуналари учун ноль экспорт квотаси белгиланди». Ушбу таҳрир СИТЕС Котибияти томонидан таклиф қилинган кичик ўзгаришлар билан барча ареал мамлакатлари (Қозоғистон, Россия, Ўзбекистон), ЕС ва илгаридан «аплистинг» таклифини қўллаб-қувватлаётган Афғонистон ва Исроил томонидан маъқулланди. Хитой ҳам бундай ёндашувга қарши эмас эди, лекин яна мўғул сайғоғининг ўзи билан чекланишни таклиф қилди. Натижада сайғоқнинг икки турини кўрсатилган аннотация билан II-иловада сақлаш консенсус асосида қабул қилинди ва ялпи мажлис томонидан тасдиқланди. Қарор 2019 йил 26 ноябрдан кучга кирди.

«Аплистинг» таклифи билан биргаликда КС18 кун



Астрахань вилояти «Степной» қўриқхонаси. Валерий Малеев сурати

тартибининг яна бир банди – СИТЕС Котибияти томонидан ишлаб чиқилган 86-сонли ҳужжатда СИТЕС ва Бонн конвенциясининг умумий мақсадлари ва ўзаро таъсири, 2016-2020 ва 2021-2025 йилларда Ўрта муддатли халқаро иш дастурларини (СМРП) амалга ошириш зарурати кўриб чиқилди.

АҚШ мурожаат қилган 86 та ареал давлатларига қуйидаги кичик бандни қўшиб қўйишни таклиф қилди: «2016-2020 йилларда СМРПдаги ареал мамлакатларига қаратилган чора-тадбирларга мувофиқ, ареал мамлакатлари сайғоқнинг қисмлари ички бозорини, шу жумладан, захираларини рўйхатга олиш, қисмларини ва маҳсулотларни маркировка қилиш, ишлаб чиқарувчилар ва савдогарларни рўйхатдан ўтказиш назоратини ўрнатиш ва ушбу маълумотни СИТЕС Котибиятига маълум қилиш». Ушбу қўшимчага эътироз билдирилмади. Ареал мамлакатлари учун бу янги ташвиш туғдирмайди, гарчи бу бироз мантиқсиз кўринса ҳам, чунки ҳозирги пайтда барча мамлакатларда сайғоқ қисмларининг ички бозорлари мутлақо ноқонуний ҳисобланади. Ички бозорлар назорати (турли мамлакатлар учун кўпроқ ёки камроқ муваффақиятли) аллақачон ўрнатилган, уни ареал мамлакатларининг куч тузилмалари амалга оширади. Захираларни рўйхатга олиш, қисмлар ва маҳсулотларни маркировка қилиш, агарда уларни аниқлаш ва / ёки қўлга олиш мумкин бўлса, ашёвий далиллар учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Уларнинг кейинги тақдирини суд ҳал қилади. Ишлаб чиқарувчилар ва савдогарлар ҳуқуқбузар ёки жиноятчилар деб ҳисобланади. Ушбу мулоҳазалар Америка томонига иш тартибда етказилди. АҚШ делегацияси ушбу таҳрирни пленар мажлисда қайта кўриб чиқишга қўйиш имкониятига эга эди, аммо бундай қилмади. 86-Ҳужжат юқоридаги формулировка билан тасдиқланди, бу КС18 нинг тегишли қарорида акс этади.

## Янгиликлар

### Мўғул сайғоғини сақлаш буйича бошқарув кенгашини Мўғулистонда тузиш лозим

Буяна Чимеддорж WWF-Мўғулистон [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)

«Шарга-Манкхан» қўриқхонаси йўқолиб кетиш арафасида турган мўғул сайғоғини қўриқлаш мақсадида Мўғулистон Парламентининг қарори билан 1993 йилда ташкил этилган. Қўриқхона икки қисмдан иборат: Ховд вилоятидаги Манхан ва Олтой-Саян экологик ҳудудидаги Гоби-Олтой вилоятидаги Шарга. Иккала ҳудуд бир-бирдан ажралган ва бир-бирига боғланмаган бўлишига қарамай, мўғул сайғоғининг ареали учун муҳимдир.

Расман қўриқхона ўзи жойлашган вилоят ёки туман маъмурияти томонидан қўриқланади, лекин марказий раҳбарият унинг таъминоти учун маблағ ажратмайди. Шарга-Манкан қўриқхонасини бошқариш маблағ етарли эмаслиги ва вилоят ҳокимларининг керакли ташаббуси йўқлиги сабабли заифдир. Ҳозирги пайтда қўриқхонада ҳатто ўз раҳбарияти ва инспекторларнинг доимий штатлари мавжуд эмас.

Ушбу вазият туфайли Атроф-муҳит ва туризм вазирлиги ҳузуридаги ООПТни бошқариш буйича бўлими WWF билан биргаликда 2019 йил 8 майда сайғоқни сақлашни ташкил қилишни муҳокама қилиш учун маслаҳат йиғилиши ўтказди. Учрашувда марказий ҳукумат ва маҳаллий маъмурият вакиллари, шу жумладан ООПТни бошқариш бўлими ва Қўриқланадиган ҳудудларни

бошқариш департаменти ва Атроф-муҳит ва туризм департаменти бошлиғи ва ходимлари, Ховд ва Гоби Олтой провинцияларининг муҳофаза қилинадиган ҳудудлари маъмуриятлари вакиллари, шунингдек, олимлар ва тадқиқотчилар иштирок этишди.

Йиғилишда муҳокама қилинган асосий мавзулардан бири қўриқхонанинг мақомини миллий боғ даражасига кўтариш имконияти бўлди. Ушбу мавзу ва у билан боғлиқ масалалар асосан атроф-муҳит ва туризм вазирлиги қошидаги ООПТ бошқарув бўлимига қаратилди. Агар Шарга Манхана миллий боғга айлантирилса, у ўз бошқарувида эга бўлади ва марказий ҳукумат томонидан молиялаштирилади. Бироқ, ООПТни бошқариш бўлими вакиллари ҳозирда маблағ етишмаслиги туфайли буни амалга ошириш жуда қийин бўлишини билдиришди.

Учрашув иштирокчилари кўпроқ маҳаллий манфаддор томонларни жалб қилиш «Шарга-Манхан» қўриқхонасининг муҳофаза қилинишини яхшилашга ёрдам беради деб тахмин қилишди. Бунинг учун маҳаллий манфаддорлар шахсларни жалб қилишга жавоб берадиган сайғоқни сақлашни биргаликда бошқариш буйича кенгашни таъсис қилиш, шунингдек, Кенгаш тузилмаси ва уставини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган ишчи гуруҳ тузиш керак.

## Сайғоқ куни 2019

2019 йил апрель-июнь ойларида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россиянинг чўл клубларида, шунингдек, Мўғулистонда Сайғоқ куни ўтказилди. Байрам бир неча йиллардан бери ўтказилади, лекин у машҳурликка эришишда давом этмоқда! Бу йил ташкилотчилар ўттиздан ортиқ дашт клубларидан иборат бўлиб, тадбирда икки мингдан ортиқ киши иштирок эта олди!

### Ўзбекистонда Сайғоқ куни

Александра Букварёва Сайғоқни сақлаш буйича альянс [bukvarevaa@gmail.com](mailto:bukvarevaa@gmail.com)

Ўзбекистонда май ойида Сайғоқ куни ўтказилди. Уни тўртта дашт клублари ташкил этди. Байрам Ёшлик қишлоғи марказидаги ёзги саҳнада ўтказилди. Унга олдиндан тайёргарлик кўриш бошлан-

ди. Фестиваль арафасида бир нечта тадбирлар ўтказилди: «Сайғоқ кубоги 2019» рамзий номи билан футбол чемпионати, «Қандай қилиб сайғоқларга ёрдам бераман» мавзусида иншолар танлови, тур-



## Янгиликлар (давоми)

ли синф ўқувчиларининг сайғоқнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништирадиган очиқ дарслар ва мутахассисларнинг «Нима? Қаерда? Қачон?» интеллектуал мусобақаси. Шунга ўхшаш мусобақалар Нукус шаҳри ва Қорақалпоғистон қишлоғида ҳам бўлиб ўтди.

Сайғоқ кунда иншолар танловининг натижалари эълон қилинди. Болалар «Чўл эртаклари – 1 ва 2» мультфильмларини томоша қилишди, кейин ўз таассуротларини айтиб беришди. Чўл клубларига янги аъзоларнинг кириши маросими алоҳида эътиборга арзигулик воқеа бўлди. Барча байрамларда рақс ва вокал чиқишлар жуда кўп бўлди. Болалар ўқитувчилар, ота-оналар ва барча меҳмонлар билан биргаликда «Сайғоқ мадҳиясини» куйлашди.

### Қозоғистонда Сайғоқ кун

**Мухит Суттибаев** Қозоғистон Биологик хилма-хилликни сақлаш ассоциацияси [mukhit.suttibayev@acb.kz](mailto:mukhit.suttibayev@acb.kz)

Қозоғистонда «Сайғоқ кун» июнь ойида бўлиб ўтди. Уни АСБК (Қозоғистон биологик хилма-хилликни сақлаш ассоциацияси) томонидан ташкил этилган мактаб лагери таркибида ўн битта чўл клублари ўтказди. Тадбир очиқ дарс шаклида бўлиб, унда болалар жамоаларга бўлинди ва турли хил фанлар бүйича ўзаро беллашдилар. Бу йил сайғоқ кунининг асосий мавзуси клуб аъзоларини узоқдан дашт турларини ўзига хос хусусиятлари бүйича аниқлашга ўргатиш эди. Болалар турли мусобақаларда завқ билан қатнашиб, сайғоқлар ва даштнинг бошқа ҳайвонлари ва уларнинг чўл экотизимидаги ўрни ҳақида маълумот беришди. Шунингдек, ҳайвонларнинг баъзи қизиқарли ҳаракатларини тасвирлаш ва изоҳлашга ҳам катта эътибор қаратилди. Масалан, болалар нима учун сайғоқ «шам» сифат сакраши кераклигини топишга ҳаракат қилдилар. Ушбу вазифани бажариш учун улар плакатдаги алоҳида нуқталарни бир-бирига бирлаштириб сайғоқни ўзига хос сакраш позициясида чиздилар, кейин мазкур чизилган ҳаракат мақсадини тушунтиришга уриндилар. Бошқа топшириқларни бажариб туриб, болалар ҳайвонларни шарпасидан аниқлашга ўргандилар. «Ёш изтопарлар» учун алоҳида топшириқ тайёрланган бўлиб, улар ҳайвонларни изларидан аниқлашга ҳаракат қилдилар.



Сайғоқ кун, Мўйноқ, Ўзбекистон. ССА сурати



Сайғоқ кун, Бегимбет. АСБК сурати

### Россияда Сайғоқ кун

**Надежда Пюрвенова** Сайғоқни сақлаш бүйича альянс [arylova@gmail.com](mailto:arylova@gmail.com)

Россияда сайғоқ кунини апрель ойининг охиридан майгача ўтказилди. Унда олти дашт клуби иштирок этди. Ҳар бир клубда ўзларининг байрамни ўтказиш сценарийси тайёрланган бўлиб, лекин тадбирнинг тузилмаси (маъруза, презентация,

сайғоқлар ҳақида видео) интеллектуал-ижодий блоки (экологик квест, викторина, конкурслар), мусиқали ёки спорт қисми, тақдирлаш маросими (дипломлар, фахрий ёрликлар, совғалар), чойхўрлик – ахборот қисми ягона эди. Бундан ташқари,

## Янгиликлар (давоми)

рақс флешмоблари, велосипед сафари, театр намоишлари ҳам бўлиб ўтди. Табиатни ва айниқса сайғоқни асраш мавзусидаги квестлар машҳур бўлиб кетди ва деярли барча клубларда байрамнинг бир қисми бўлиб қолди. Болалар ўз иқтидорларини намоиш этиш ва янгиликларни билиш имконига эга бўлдилар. Бу йил тажрибали клублар қаторида байрамни ташкил қилишда янгидан тузилган клублар анча фаол иштирок этдилар. Улардан Лиман қишлоғидаги «Возрождение» клубини мисол қилиш мумкин.



Велосипед миниш, Лиман қишлоғи. «Возрождение» клубини сурати

### Мўғулистонда сайғоқ кун

**Буяна Чимеддорж** WWF-Мўғулистон [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)

Мўғулистонда WWF сайғоқ кунини апрель ойида анъанавий ўтказди. Бу йил байрам Тугрук қишлоғида Олтой-Саян экоҳудудидаги 13 та эко-клубининг 100 нафар аъзоси иштирокида бўлиб ўтди (Гоби-Олтай аймақ). Байрамда клуб аъзолари ўтган йили амалга оширган ишлари ҳақида гапириб беришди. Масалан, 2018 йилда бўлиб ўтган йиртқич ҳайвонлар, шу жумладан сайғоқларни суғоришда фойдаланиладиган юқори табиий ресурсларни ҳимоя қилувчи компаниялар. Бу Мўғулистондаги мактаб ўқувчиларининг биринчи ташаббуси эди ва буни WWF мамнуният билан қўллаб-қувватла-

ди. Болалар тадбирга маҳаллий чўпонларни жалб қилишга эришдилар, бу эса табиатни муҳофаза қилиш ишида жуда илҳомлантирувчи йўлнинг боши бўлди.

Шунингдек, эко-клуб иштирокчилари Мўғулистон атроф-муҳит ва туризм вазирлиги томонидан юқори баҳо олган ўзлари ўтказган «пластик қадоқлаш йўқ» акцияси ҳақида гапириб беришди. Мўғулистон эко-клублари аъзолари ўзларининг ютуқлари билан фахрландилар ва табиатни асраш, хусусан сайғоқни сақлаш бүйича ишларни давом эттириш иштиёқига тўла.



Мўғулистонда Сайғоқ кунда тематик плакатлар тақдимоти. WWF-Мўғулистон сурати

Сайғоқнинг барча мамлакатлардаги кунлари тантанали тақдирлаш маросими билан яқунланди. Энг фаол болалар ва командалар совғалар, дипломлар, китоблар ва бошқа кўп нарсаларни олдилар. Барча иштирокчиларда 2019 йил Сайғоқ кунидан ёрқин хотиралар қолди ва кейинги йилда сайғоқ кунини нишонлаш бүйича аллақачон янги ғоялар пайдо бўлган бўлса керак.



## Янгиликлар (давоми)

### 3 800 бош мўғул сайгоғини қўллаб-қувватлаш марафони

Буяна Чимеддорж WWF-Мўғулистон [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)

Сайгоқни сақлаш масаласига кенг матбуот ва жамият арбобларини жалб қилиш учун WWF-Мўғулистон ходимлари ва Мўғул юридик университети талабалари 2019 йил 18 майда ўтказилган халқаро марафонда «Келинг, фақат Мўғулистонда учратиш мумкин бўлган мўғул сайгоғини сақлаймиз» шiori остида иштирок этдилар.

Биз мўғул сайгоғи учун югурияпмиз ва марафонда фақат ўз истагимиз билан иштирок этипмиз. Агарда биз ҳозир популяцияси атиги 3 800 бошни ташкил қилаётган ушбу турни сақлаш учун керакли эътиборни қаратмасак, буни қилиш учун бизда бошқа имконият бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун биз барча одамларни «бизга қўшилишга ва мўғул сайгоғини қутқаришга» чақирамиз – дейишди югуришда иштирок этаётган мўғул талабалари.

Бу ҳайвонни сақлаб қолиш учун, унинг ўтлайдиган ва қўзилайдиган жойларини муҳофаза қилишни, турли хавфларни камайтирадиган, шу жумладан оби-ҳаво билан боғлиқ шароитларни ҳисобга олган олган ҳолда мўғул сайгоғини муҳофаза қилиш бүйича стратегия ишлаб чиқиш зарур. Бундан

ташқари, олимлар ва тадқиқотчилар сайгоқни ўз тарихий ареали ҳудудига реинтродукция қилиш имкониятини муҳокама қилишмоқда, шунингдек, унинг таркибидаги популяцияни ушбу турнинг тўлиқ йўқолиб кетишининг олдини олишнинг бир усули сифатида муҳокама қилишмоқда.

Батафсилроқ маълумотни сиз бу ердан топишингиз мумкин: <http://mongolia.panda.org/en/news/?uNewsID=348171>



Мўғул сайгоғини қўллаб-қувватлаш марафони. WWF-Мўғулистон сурати

### «Степной» қўриқхонасида мониторинг бүйича кичик грантлар дастури лойиҳаси бошланди

Бабетт Фурье Сайгоқни сақлаш бүйича Альянс [babette971@hotmail.com](mailto:babette971@hotmail.com)

2019 йилда Сайгоқни сақлаш бүйича Альянснинг кичик грантлар дастури кўмагида «Степнойда кузатиш» лойиҳаси ишга туширилди. Қўриқхонада маҳаллий фаунанинг турли вакиллари, шу жумладан сайгоқларни кузатиб бориш учун янги тузоқлар ўрнатилди. Олинган видео ва фотосуратлар асосида сайгоқ бүйича ўқув материаллари ишлаб чиқилган ва ушбу турнинг тарқалиши ва ҳаракати ўрганилмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади турли таҳдидларга, хусусан браконерликка қарши курашиш учун сайгоқ тўғрисида аҳолининг билимларини ошириш.

Фото тузоқлар ёрдамида тўпланган маълумотлар ҳозирда Лондон Зоологик жамияти InstantWild онлайн платформасига жойлаштирилмоқда. Бу фото



Владимир Калмыков ва Бабетт Фурье «Степной» қўриқхонасидаги артезиан қудуқларида кузатув учун ўрнатилган янги камерали тузоқларни созламоқдалар. Галина Калмыкова сурати

## Янгиликлар (давоми)



Икки катта ёшли урғочи ва учта ёш эркак урғочидан иборат сайгоқларнинг кичик гуруҳи. Степной қўриқхонасида ўрнатилган фото тузоқда олинган сурат.



Артезиан қудуғидан сув ичаётган ёлғиз урғочи сайгоқ. Степной қўриқхонасида ўрнатилган фото тузоқда олинган сурат.

тузоқлардан олинган материаллар таҳлил қилиш учун бутун дунёдан кўплаб ёввойи табиат мухлисларини жалб қилиш имконини беради. Олинган тасвирлардан ҳайвон турини, шунингдек, уларнинг сони ва (мумкин бўлса) жинсини аниқлай оладиган фойдаланувчилар фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари, лойиҳа саҳифасида сайгоқни сақлаш бүйича Альянс ресурсларига ҳаволалар мавжуд, бу эса аҳолининг хабардорлигини оширади ва турларни муҳофаза қилишни кучайтиради.

Ҳозирги вақтда бизнинг асосий вазифамиз турли хил ҳайвонлар томонидан артезиан қудуқларидан фойдаланишнинг кунлик ва мавсумий жадвалларини ўрганиш, бунда сув ресурсларини вақт бүйича тақсимлашга алоҳида эътибор беришдир. Бундан ташқари, ҳар томонлама мониторинг бизга чўл мушуклари каби кузатиш қийин бўлган баъзи ҳайвонлар турларини яхшироқ ўрганиш имкониятини беради деб умид қиламиз. Шунингдек, қўриқхона ҳудудидаги бўри популяциясининг миқдорини аниқлашга ҳаракат қилмоқдамиз, уларнинг алоҳида вакиллари фото тузоқларидан олинган суратларда кўриш мумкин. Олинган маълумотлар фауна таркибини яхшироқ аниқлашга ёрдам беради, шунингдек, артезиан манбалари яқинида турларнинг сайгоқ феъл-атвори таъсирини ўрганишга ёрдам беради. Биринчи олинган расмларда кичик артезиан манбалари яқинидаги бўри ва тулкининг алоҳида зотлари, шунингдек, артезиан сув манбаи ўлчамига тўғри келадиган ҳар хил ўлчамдаги сайгоқ гуруҳлари олинган.

Ҳайвонлардан ташқари фото тузоқ қўриқхона ўсимликлари ва мавсумий ўзгаришларни қайд этган ҳолда камераларда ўрнатилган ҳарорат датчиги ва интервал билан суратга олиш режимида иқлимни кузатиб бориш имконини беради. Иқлим ўзгариши шароитида бу сайгоқнинг тарқалиши ва ҳаракатланишига таъсир кўрсатадиган экологик параметрларини рўйхатга олиш имконини беради.

Лойиҳа доирасида, шунингдек, қўриқхонага яқин ҳудудда яшайдиган маҳаллий аҳолини сайгоқни сақлаб қолиш учун жалб қилишни режалаштирмоқдамиз. Шундай қилиб, 2019 йил сентябрь ойида маҳаллий мактаблардан бирида ташкил этилган «Возрождение» дашт клубининг бир гуруҳ болалари биринчи марта «Степной» қўриқхонасига ташриф буюришди. Ўқувчилар сайгоқларни табиий яшаш жойларида шахсан кўриш ва қўриқхонада олиб борилаётган илмий изланишлар тўғрисида кўпроқ билиш имкониятига эга бўлдилар. Саёҳат давомида болалар турли хил тадқиқот ускуналари билан танишдилар ҳамда сайгоқ ва бошқа маҳаллий фауна вакиллари бўлган бўри ва тулки каби ҳайвонларнинг «Степной»да олинган фотосуратларини томоша қилдилар. Ушбу саёҳат болаларни изланишларга жалб қилиш ва уларга илмий ёндашувлар ёрдамида турли хил ҳайвонлар турларини мустақил равишда кузата олишларини кўрсатишдан иборат эди. Шунингдек, болалар артезиан қудуғи атрофида тўпланган сайгоқларнинг катта гуруҳини кўриш бахтига муяссар бўлдилар.

17 ёшли чўл клубининг аъзоси Маша Порохнина



## Янгиликлар (давоми)



Артезиан қудуғи олдидаги оддий тулки. Степной қўриқхонасида ўрнатилган фото тузоқда олинган сурат.



Мулоқотда бўлиш ва чанқоғини қондириш учун қудуқларга тез-тез ташриф буюрган бу бўри бир неча бор камера тузоқларига тушган.

сафар ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашди: «Бизни қўриқхонада жуда яхши кутиб олишди. Бундай самимий учрашув бизда директор ва ходимлар, шунингдек, умуман қўриқхона ҳақида ёқимли таассуротлар қолдирди. Ширинликлар билан чой ичиб бўлгандан кейин, биз бинокллар орқали сайғоқларни томоша қилишга бордик. Биз уларни жуда яқинлигидан ҳайратда қолдик. Осмонда учаётган бургут ва бошқа қушларни кўриш бахтига ҳам муяссар бўлдик. Саёҳат бизга билимларимизни кенгайтиришга ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонлар турлари тўғрисида кўплаб қизиқарли маълумотларни билиб олишга ёрдам берди. Бундан ташқари, биз уйга жуда кўп ижобий ҳис-туйғуларни ва яхши кайфиятни олиб келдик. Бу саёҳат барчага ёқди!»

Лойиҳа 2020 йилда ҳам давом этади, шундан кейин унинг натижалари нашр этилади. Агарда сиз тадқиқотда қатнашишни истасангиз, InstantWild (<https://instantwild.zsl.org/projects/stepnoi-surveillance>) сайтнинг Степнойдаги кузатувлар саҳифасига кириш. [babette971@hotmail.com](mailto:babette971@hotmail.com) манзилига хабар юбориб, сиз тадқиқотлар тўғрисидаги ҳар қандай саволга жавоб оласиз. «Степной» қўриқхонасида сайғоқларни ўрганиш барча ходимларининг ва, айниқса, директори Владимир Калмыков ва Таълим бўлими бошлиғи Галина Калмыковалар ёрдамисиз амалга ошириб бўлмасди. Таълимий сафарни ташкил қилгани учун Ольга Воронцевага алоҳида миннатдорликни изҳор этишни хоҳлаймиз.



«Степной» қўриқхонаси ходимлари ва «Возрождение» клуби болаларининг гуруҳ бўлиб тушган фотосурати. Ольга Воронцева сурати

## Матбуотдан

## Қозоғистонда сайғоқ шохларини Хитойга ноқонуний олиб кетиш канали ёпиб қўйилди

Браконерлик гуруҳлари фаолиятини бостириш чораларини кучайтириш доирасида сентябрь-октябрь ойларида Қозоғистон Республикаси Миллий хавфсизлик қўмитаси (КМХ) Атирау, Оқтўба, Ғарбий Қозоғистон, Туркистон ва Қизилўрда вилоятлари, Олмаота ва Чимкентда узок вақт давомида сайғоқ шохларини қайта сотиш, транспортировка қилиш ва контрабанда йўли билан Хитойга олиб чиқиб кетиш учун ноқонуний отган уюшган жиноий гуруҳ фаолиятини чеклаш бўйича тергов ва тезкор тадбирларни ўтказди. Натижада, Олмаота вилоятида Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари камида 3000 (!) сайғоқни йўқ қилган гуруҳни қўлга олдилар. Тинтув пайтида 1 тонна 118 килограмм сайғоқ шохини олиб қўйган жиноий гуруҳнинг 18 аъзоси (барчаси Қозоғистон фуқаролари) қўлга олинди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, уюшган жиноий гуруҳларнинг ноқонуний фаолиятдан давлатга етказилган зарар 5 миллиард 664,6 миллион тенге (14 миллион АҚШ долларидан ортиқ) ни ташкил этади. Тўққиз нафар жиноятчи ҳибсга олинди. Ушбу ҳолат Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг «Уюшган жиноий гуруҳда иштирок этиш» ва «Камёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турларга, шунингдек тақиқланган ўсимликлар ёки ҳайвонларнинг турлари, уларнинг қисмлари ёки дериватларига ноқонуний муносабатда бўлиш» моддалари билан рўйхатга олинган.

## Украина ўз сайғоқларини Хитойга экспорт қилади

Херсон вилоятида (Украина), Камиш қишлоғи яқинида Хитойнинг «Шичжень Танфармасьютикал компанияси» сайғоқларни кўпайтириш учун 97 гектар ерни 7 йилга ижарага олди. 10 миллион гривнага (43 383 АҚШ доллари) сайғоқларни кўпайтириш учун вольер қурилди. 2018 йилдаёқ улар «Аскания-Нова» қўриқхонасидан 23 бош сайғоқни сотиб олишди. Урғочилар баҳорда насл беришди ва сайғоқлар 34 бошгача кўпайди. Кўп ўтмай, Украинада биринчи хусусий сайғоқ парваришхонаси «Аскания-Нова» дан олинган яна 70 бош ҳайвон билан тўлдирилди. У ерда улар боқилиб, одамлардан қўрқмасликка ўргатилган. Хитойликлар бу ёш сайғоқлар учун 1 миллион гривнадан (4338 АҚШ доллари) тўладилар. «Аскания-Нова» қўриқхонаси директори Виктор Гавриленконинг сўзларига кўра ушбу маблағ ёқилғи, техника учун эҳтиёт қисмлар ва қиш учун чорвага ем сотиб олишга сарфланади.



Kazakhstan Today сурати

Қозоғистон Республикаси Экология вазирлигининг маълумотларига кўра 2019 йил бошидан бери Қозоғистонда 6000 киши ноқонуний ов қилгани учун ҳибсга олинган. Аммо улардан атиги 48 нафари қамоққа олинган. Қолганлари миллионлаб жарималар тўлаб қутулишди. Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Токаев сайғоқларнинг ноқонуний ов қилинишини тўхтатиш тўғрисида буйруқ берди ва қуйидагиларни маълум қилди: «Браконерлар бизнинг табиатимиз бойлиги бўлган сайғоққа ов қилишни давом этмоқда. Улар қонунга асосан қаттиқ жазоланиши керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ноқонуний овга чек қўйишлари керак».

Батафсил [https://www.kt.kz/rus/ecology/zaderzhano\\_18\\_chlenov\\_opg\\_zanimavsheysya\\_otstrelom\\_saygi\\_dlya\\_1377890560.html](https://www.kt.kz/rus/ecology/zaderzhano_18_chlenov_opg_zanimavsheysya_otstrelom_saygi_dlya_1377890560.html) ва <https://www.ktk.kz/ru/news/video/2019/10/28/132761/>

Компания сайғоқларнинг терилари ва шохларини ХХРга, келажакда эса тирик туёқларни экспорт қилишни режалаштирмоқда. Хитой тиббиётида сайғоқ шохларини бошқа ингредиентлар билан қўшиб ўнлаб турли касалликларни даволашда муваффақиятли ишлатиш мумкин деб саналади.

Украина ва Хитой сайғоқларни Украинадан Хитойга экспорт қилишни қонунийлаштирадиган ветеринария сертификатлари тўғрисида меморандум имзоладилар. Бундай маълумотлар Украинанинг Давлат истеъмол хизматининг сайтыда эълон қилинди.

Батафсил [http://kherson-news.info/main-news/kitaiskaia-ferma-po-razvedeniю-saigakov-popolnilas-novymi-jivotnyimi/?fbclid=IwAR20\\_F1dyJwS-NB7eFtWFrLJYtXnwjcu9yiEF71iSGZPC03-az2AffWiNE8A](http://kherson-news.info/main-news/kitaiskaia-ferma-po-razvedeniю-saigakov-popolnilas-novymi-jivotnyimi/?fbclid=IwAR20_F1dyJwS-NB7eFtWFrLJYtXnwjcu9yiEF71iSGZPC03-az2AffWiNE8A) ва [https://www.dialog.ua/business/193121\\_1572026409](https://www.dialog.ua/business/193121_1572026409)



## Мақолалар

### 2019 йилдаги авиаҳисоб Қозоғистонда сайғоқ популяциясининг кўпайганлигини кўрсатди

**Штеффен Цутер** Қозоғистон биологик хилма-хилликни сақлаш уюшмаси [steffen.zuther@acb.kz](mailto:steffen.zuther@acb.kz)

Ҳар йили Қозоғистонда ўтказилган сайғоқларнинг авиаҳисоби популяциянинг юқори ўсиш суратлари барча турлар учун сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Бу, тур сонининг тарихий даражасига қайтишига умид беради. Ғарбий Қозоғистондаги Ўрол сайғоқ популяцияси энг йириги ҳисобланади, уларнинг сони 217000 бош деб баҳоланган (ўтган йилга нисбатан 60,7% га кўп). Бетпақдалини популяцияси 2015 йилда ҳайвонларнинг оммавий қирилишидан кейин тикланиши давом этмоқда ва ҳозирда 109000 бошни ташкил этади (ўсиши 42,7%). Шунингдек, ўтган йилдан бери 59,5 фоизга кўпайиб, 5 900 бошга етган Устюрт популяциясининг омон қолишига умид бор.

Ҳисобга олиш 2019 йил 20 апрелдан 4 майгача «Охотзоопром» давлат корхонаси томонидан Қозоғистон Экология, геология ва табиий манбалар вазирлиги Ўрмон ва ҳайвонот дунёси хўжалиги қўмитасининг буюртмаси билан ўтказилди. Бу ишни ўтказиш учун масъул ва ташкилотчи Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси эди. Кеч бошланганлиги сабабли учта гуруҳ бир вақтнинг ўзида ишлашга мажбур бўлди, Сайғоқларни Eurocopter EC-145 вертолётларидан ҳисобга олиб, ҳисобни ўз вақтида яқунлаш учун 200 парвоз соати ажратилган эди. Ишга киришишдан олдин учта гуруҳнинг барча иштирокчилари учун ҳисоб тасмасининг маркерларидан фойдаланишни ўргатишни



Ўрол сайғоқ популяциясининг вертолётдан олинган фотосурати. Бу фотосурат визуал ҳисоблаш орқали аниқ баҳоланган эришиш қийинлиги кўрсатади.

ўз ичига олган тренинг ўтказилди. Ҳар куни иш режасини муҳокама қилиш учун учрашувлар ўтказилди.

Ҳисобнинг кеч бошланиши туфайли айниқса Ғарбий Қозоғистонда маълум қийинчиликлар юзага келди. Гап шундаки, май ойида кўзилаш даври яқинлашганда сайғоқлар каттароқ гуруҳларга тўпланишади ва айни ҳисобга олиш вақтида бу жараён бошланган эди. Баъзи тўпланишлар шунчалик катта эдики, улардаги ҳайвонларни визуал ҳисоблаб бўлмас эди. Бундай ҳолда, агар гуруҳ ҳажми маълум қийматлардан ошиб кетган бўлса, маълумотларни қайта текшириш ёки ҳайвонларни қайта санашни стандарт расмлар ёрдамида амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, баъзи сайғоқлар, тахминан Россия томонга кетган бўлишади, натижада Ўрол популяциясидаги бошларнинг умумий сони ҳақиқий сонидан кам бўлиши мумкин. Бироқ, инспекторларнинг фикрига кўра ҳисобга олиш бошланган вақтда Қозоғистондан Россияга кетган сайғоқлар сони кўп эмас эди.

Ўрол популяциясининг жуда тез ўсишини бир қанча сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, жуда кўп сонли ҳайвонларнинг аниқ ҳисобини олиш қийин. Иккинчидан, 2018 йилдаги фотосуратлар сифати сезиларли даражада паст эди, бу албатта ҳисоб-китобларнинг аниқлигига таъсир қилади. 2019 йилда тадқиқотлар юқорида айтиб ўтилган қийинчиликларга қарамай, янада яхши ва юқори натижаларни берди. Бундан ташқари, ўтган йили сайғоқларнинг кўпроқ сони Россияга кетган бўлиши мумкин. Ва ниҳоят, сайғоқ биологияси бу ҳайвонга қулай атроф-муҳит шароитида интенсив равишда кўпайиш ва таҳдидлар билан тегишли равишда курашиш имконини беради.

Бу Устюрт популяциясига ҳам тегишли. Аммо популяцияни баҳоланда бундай арзимас миқдорнинг аниқлиги унчалик юқори эмас, чунки баъзи тўпланишлар эътиборсиз қолдирилиши, бошқалари эса аксинча бир неча бор ҳисобга олиниши мумкин. Бу эса йилдан йилга популяцион ҳисоб-китобларнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Лекин бунга

## Мақолалар (давоми)

қарамай популяциянинг кўпайиши аниқ кўриниб турибди. Бунга тегишли ҳудудда турлар ҳимоясининг кучайиши натижаси бўлиши мумкин. Ҳам қуруқликда, ҳам ҳавода олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатдики, ҳар иккала популяцияда етарлича кўпайиш учун эркалар сони етарли.

Айни пайда, Бетпақдалини популяцияси аввалги йилларда қайд этилгани каби одатдагича кўпаймоқда. Ҳайвонларнинг оммавий равишда нобуд бўлганидан сўнг, бу популяция ҳар йили 40% дан кўпроқ миқдорда кўпаймоқда ва бу унинг тўлиқ тикланишига умид қилишимизга имкон беради. Бундан ташқари, инспекторлар асосий популяциядан ажралган ҳолда шарқ томонда яшайдиган бошқа сайғоқ гуруҳи тўғрисида хабар беришди. Шундай қилиб, биз авиаҳисоб натижасида олин-



Бетпақдалини популяцияси ҳисобини ўтказган жамоалардан бири. Алберт Салемгареев сурати

ган рақамларга ерда қайд этилган 2500 га яқин сайғоқларни қўшишимиз мумкин.

### Мўғул сайғоғи популяциясини баҳоланган буйича янгиланган маълумотлар

**Б. Чимеддорж<sup>1</sup>, Б. Гантулга<sup>1</sup>, А. Е. Файн<sup>2</sup>, Е. Энхтувшин<sup>2</sup>, Б. Бувейбатар<sup>2</sup>**

<sup>1</sup>WWF-Мўғулистон, <sup>2</sup>WCS-Мўғулистон

Муаллиф-мухбир: **Буяна Чимеддорж** [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)

#### Кириш ва усуллар

Мўғул сайғоғи (*Saiga tatarica mongolica* ёки *Saiga borealis*) Ғарбий Мўғулистоннинг эндемиги ҳисобланади, у МСОП Қизил рўйхатида «Хавф остида» статусига эга. Мўғул сайғоғининг асосий хавфи ноқонуний ов, оғир иқлим шароити, яшаш жойларининг таназзулга учраши ва касалликлардир. Мўғул сайғоғининг тарқалиш динамикасига экологик ва антропоген омилларнинг таъсирини тушуниш ушбу турни ҳимоя қилиш тадбирларини режалаштиришда муҳим шартдир.

2018 йил 3 декабрдан 10 декабргача биз Ғарбий Мўғулистон трансекталардаги сайғоқларнинг сони буйича ердаги ҳисобини ўтказдик. Жами 45 та чизик трансекталари текширилди. Уларда 4 гуруҳ тадқиқотчилар бир вақтнинг ўзида 10 км кенгликда ҳисоб ўтказишди (1-расм). Йўналишлар узунлиги 5 километрдан 99 километргача, умумий узунлиги эса 1887 км. Ўрганилган ҳудуднинг майдони 29012 км<sup>2</sup>. Тадқиқотчилар гуруҳлари таркибига WCS ва WWF-Мўғулистон биологлари, шунингдек, Гоби Олтой ва Ховд вилоятларининг инспекторла-

ри ва овчилари кирган.


Маълумотлар таҳлили Distance 7.2 дастури ёрдамида ўрганилаётган турларнинг зичлиги ва популяциялар сонини аниқлаш учун ўтказилди (Thomas et al. 2010). Ҳайвонларни аниқлаш моделидан янада самаралироқ фойдаланиш учун интервалларни бўлиш ва гуруҳларга ажратиш имкониятларини ўрганиш учун дастлабки таҳлил ўтказилди. Buckland et al. (2001) нинг фикрига кўра, аниқлаш функцияси бошқа муҳим шароитларни коррекция қиладиган турли комбинациялар тўплами билан бирлашган ҳолда самарали бўлади. Йўл қўйилган бузилишларни аниқлаш учун самарадорлик тестларининг маълумотлар ва сифати гистограммалари ишлатилган. Моделларни танлашда Акаике маълумот мезони кичик ўлчамлар учун ишлатилган.

#### Натижалар ва хулосалар

Тадқиқот давомида 50 бош сайғоқ гуруҳи ва 886 якка бош топилди. Гуруҳнинг ўртача ҳажми ( $\pm$  стандарт оғиш)  $17,72 \pm 20,65$  экз. эди (намуна диапазони = 1-113). Кузатув вақтида бирон бир касал ёки



## Мақолалар (давоми)



